O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Ушбу сонда:

2 МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

3 ЖИНОЯТ ВИКТИМАЛОГИЯСИ НИМА?

БЕПИСАНДЛИК — У қачон тугайди?

4 James BUCHANAN — ИНСОН САДОҚАТИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 38 (345)
2003 йил
30 сентябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юридик шахсларнинг эса реквизитлари) ҳамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Сўралаётган ахборотни ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаган тақдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Сўралаётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак.

сўралаётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

сўралаётган ахборот тақдим этиладиган сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Ахборот берганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 9-МОДДА.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтарам устозлар!

Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу қутлуғ айёмда сиз азизларни - бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан мубораклаб этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз - ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму ҳунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.

Бугунги қутлуғ байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб оладиган, уларга қунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, оилий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Барча-барчамиз - бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, ҳурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлодни вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улуғвор вазифани адо этишда сизларни ўзимнинг маслакдош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан - билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажагини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

1-Oktabr — O`qituvchilar va murabbiylar kuni





ЭЗГУЛИК БУНЁДКОРИ

Маърифатпарвар халқимиз устоз ва мураббийларни азалдан эъзозлаб келган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Халқимизнинг буюк фарзандларидан бири ҳазрат Алишер Навоий устозлар ҳақида шундай фикр билдирган:

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила,
Айламак осон эмас
онинг ҳақин минг
ганж ила.

Бу эҳтиромнинг боиси шундаки, инсон камолоти кўп жиҳатдан устоз-мураббийларнинг сермашаққат меҳнати, бетиним изланиш ва саъй-ҳаракатига боғлиқ. Чунки ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларга пухта билим бериш, онг-шуурига юксак инсоний фазилатларни сингдиришни мураббийлар амалга оширади. Шу маънода айтиш мумкинки, авлодлар камоли ва юрт келажаги ўқитувчилар қўлида десак, асло муболаға эмас.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **интелектуал авлод асри бўлган XXI** асрда ўқитувчилар зиммасидаги бурч ва масъулият янада ортди. Зеро, эндиликда инсон ақлий салоҳияти тараққиётнинг асосий белгисига айланди. Дунёда кечаётган фикрлар рақобатида миллатимизнинг муносиб ўрин эгаллаши энг аввало, таълим-тарбия тизимини янги сифат даражасига кўтаришни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли тарихий ислоҳотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Буни энг аввало, олий ўқув юртларига кириш жараёни дунёда илғор усул саналган тест синовлари асосида амалга оширилаётгани, замонавий лицей ва коллежлар фаолияти йўлга қўйилгани, таълимнинг бакалавр ва магистратура йўналишига ўтилганида кўриш мумкин. Бу каби тарихий ўзгаришлар бутун дунёда **"Ўзбек модели"** дея эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинишида янада яққолроқ намоён бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан бу борада узоқни кўзлаб ташланган қадам қисқа вақтда ўзининг юксак самарасини берди. Бугунги кунда юртимиз ёшларининг АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия каби ривожланган давлатларининг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиши одатий ҳол ҳисобланади. Ана шундай илм даргоҳларида таҳсил олиб қайтган кўплаб истеъдодли ёшлар бугун мамлакатимизда турли соҳаларда фаолият юритиб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатишмоқда. Кези келганда айтиш жоизки, бундай улкан ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Уларнинг замирида аввало, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, қолаверса, устоз ва мураббийларнинг фидокорона меҳнати мужассам.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ўтган давр мобайнида ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати алоҳида эъзозга сазовор бўлди. Бу ҳурматни бир неча нафар ўқитувчининг Ўзбекистон Қаҳрамони сифатида эътироф этилганида ҳам кўриш мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тараққиётга юз бурган халқимиз ўз келажагини таълим-тарбияда, янаям тўғрироғи, салоҳиятли ёшлар тимсолида кўрмоқда. Шу боис мустақиллик йилларида ўқитувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди. Устоз-мураббийларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш, билим ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш жамиятимизнинг бош мақсадларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Бу халқимизнинг устозларга нисбатан билдирган ҳурмат ва эъзозининг амалий намунасидир.

Комрон МИРЗО

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 19 август сонида чоп этилган "Тугамаётган танлов" мақоласида баён этилган масала вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди Раёсатининг шу йил август ойида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди ва Камолов Нажмиддиннинг қайта ташкил этилаётган Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликларни ташкил этиш бўйича Хатирчи тумани танлов комиссиясига нисбатан танлов комиссияси баённомасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича Навоий туманлараро судининг 2003 йил 8 январдаги ҳал қилувчи қарори ва вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 6 майдаги ажримлари бекор қилиниб, фуқаролик иши ФПКнинг 100-моддаси 2-банди асосида юритишдан тўхтатилгани ҳақида қарор қабул қилинди.

Г. АЛИЕВ,
Навоий вилояти ҳокими ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари Ҳукуматнинг мазкур қарори билан барча ходимларини таништирсин ҳамда унинг чуқур ўрганиб чиқилиши ва муҳокама этилишини таъминласин.

1.1. Иш шундай ташкил қилиниши керакки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган ҳар бир вазифа ва функцияларнинг тўлиқ ва амалда ижроси таъминлансин. Бунинг учун берилган барча ҳуқуқ ва имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиш лозим.

1.2. Адлия идоралари ва муассасалари ўз фаолиятларини режа асосида ташкил этишлари, иш режаларини мавжуд муаммолар, тушган аризалар, ўтказилган текширишлар, сўровлар таҳлилидан келиб чиқиб белгилашлари, тасдиқланган иш режалари тўлалигича ижро этилиши шарт.

1.3. Мунтазам равишда кадрлар малакасини ошириш, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор бўлиш чоралари кўрилиши лозим. Адлия идораларининг ҳар бир бўлинмасида қонунчиликнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган шижоатли, юқори профессионал иш ҳолатини яратиш керак. Кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш адлия идоралари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ва амалдаги ижросини таъминлашнинг асосий мезони деб қаралсин. Мазкур вазифани амалга ошириш шахсан адлия идоралари бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш эканлиги қайд этилсин.

2.1. Қонунчилик бош бошқармаси (М.Икромов) қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги бўйича олдиндан келишиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар киритиб борсин. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланилсин.

2.2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари:

ҳокимликларнинг барча қабул қилган қарорларини ўрганишни ташкил этсин ва амалдаги қонунчиликка зид қарорларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга тақдимномалар киритсин;

келгусида қабул қилинадиган барча даражадаги ҳокимликларнинг норматив қарорларини дастлабки ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

2.3. Вазирликнинг марказий аппарати бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан барча соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини мунтазам равишда ўрганиш ишларини ташкил этсин. Бунда асосий эътибор қонунчиликни қўллаш соҳасидаги амалиётга қаратилиши лозим.

Амалдаги қонунчиликни нотўғри қўллаётган давлат идоралари, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритиш йўли билан қонунчиликнинг тўғри қўлланилиши, қўпол қонунбузарлик содир этганларни эса қилмиши ва ҳаракатига мос жавобгарликка тортилиши таъминлансин.

3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири деб эътироф этилсин.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлашда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни белгиланган муддатларда ҳолисона, ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилиш. Ҳар бир мурожаат бўйича текширув ишлари охиригача олиб борилиши ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши шарт;

барча давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилинишини мунтазам равишда текшириш. Бунда фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлилидан келиб чиқиш;

аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ва унинг сабаблари ҳамда унга кўмаклашган шарт-шароитлар бартараф этилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини тақдимномалар киритиш орқали таъминлаш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишида айбдор мансабдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини, фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарарни бевосита айбдор мансабдор шахслардан ундириб берилишини таъминлаш;

адвокатлик тузилмалари, бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш ҳамда улар билан ҳамкорликда фаолият юритиш

4. Мамлакатда чуқур бозор ислоҳотларини амалга оширишга қаратилган қонунчиликнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларига зимдан қаршилик кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг суиистеъмоллигини ва бюрократик тўсиқларни қатъий тугатиш адлия идораларининг энг муҳим вазифаси деб қаралсин. Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида адлия идоралари ходимлари тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб кескин ва қатъий ҳаракат қилишлари керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳимоя қилишда қуйидаги механизмлардан кенг фойдалансин:

тадбиркорлик субъектларини жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига тақдимномалар киритиш;

вазирликлар, идоралар, назорат қилувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи қарорларини, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни тўхтатиб қўйиш;

тадбиркорлик фаолиятига, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини тегишли органлар олдига қўйиш.

Бунда қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсни суд жавобгарлигига тортишга, яъни етказилган моддий ва маънавий зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани бевосита айбдор мансабдор шахсдан ундиришга алоҳида эътибор қаратилсин. Мана шундай суд жараёнларини доимий равишда телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали намойиш қилиш чоралари кўрилсин.

4.1. Тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда қайд этилганидек, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳудуди ва биноларига кириш, мазкур идоралар мансабдор шахсларини чақириш, улардан қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш, ўрганиш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқларидан самарали фойдаланилсин.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори талабларига ҳокимликлар ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан сўзсиз риоя қилиниши устидан доимий назорат ўрнатилсин. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг барча давлат идоралари томонидан тўғри, аниқ ва бир хилдаги ижроси таъминлансин.

4.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини ноқонуний тарзда жалб қилиш, ноқонуний текшириш ўтказиш, тадбиркорларни хизмат хоналарига чақириш ва бошқа қўпол қонунбузарлик ҳолатлари аниқланганда тегишли қарорларнинг ижросини, мансабдор шахслар ҳаракатини зудлик билан тўхтатиб қўйиш ва ҳар бир факт бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тезкор махсус хабар юборилиши шарт.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ф олиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 22 мартдаги 19 ум-сон "Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" буйруғи, Мукобил текширишларни тартибга солиш тўғрисидаги Кўрсатма ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда қонунийликни таъминлаш бўйича кўрсатмаларнинг сўзсиз ижроси устидан назорат ўрнатилсин. Барча тадбиркорларнинг Текширишларни рўйхатга олиш Китоби билан таъминланганлиги ҳамда назорат қилувчи идоралар томонидан ушбу китобларни тўлдириш аҳволи устидан доимий мониторинг ўтказиб турилсин.

Янги ташкил бўлаётган тадбиркорларни ҳокимликлар қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари орқали таъминлаб борилиши бўйича зарур чоралар кўрилсин.

4.4 Тадбиркорликка оид қонунчилик ижроси доимий таҳлил қилиб борилиши керак. Таҳлил натижалари асосида қайси соҳада, қандай турдаги қонунбузилишлар содир этилаётгани ҳамда уларнинг давлат идоралари ва мансабдор шахслар миқёсидаги вазияти ва ўсиш динамикасини ўрганиб бориш лозим. Ушбу таҳлил натижаларига асосан алоҳида йўналишлар ва ҳудудлар миқёсида муаммоларни ажратиб, муттасил равишда қонунни менсимай келаётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш зарур.

5. Белгиланганки, марказий аппарат ва жойлардаги адлия бошқармалари бошлиқлари фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилиш, кўрилган чоралар тўғрисида уларни хабардор қилиш бўйича шахсан масъулдирлар.

5.1 Адлия идоралари томонидан қонунбузарликни бартараф қилишни сўраб киритилган тақдимномаларнинг сўзсиз ижроси таъминланиши, аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолати токи, қонунбузарлик ҳолати бартараф қилиниб, унинг такроран содир қилинишини олди олинмагунча ва бузилган ҳуқуқлар тикланмагунча ҳамда айбдор мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилмагунча назоратдан олинмаслиги лозим.

6. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари ва намунавий ширкат хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларни кучайтириш лозим.

Бунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом" талабларига қатъий риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатилиши таъминлансин. Назорат қилиш жараёнида ҳудудий қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан адлия идораларига тақдим этиладиган туманлар, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиш аҳволи тўғрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланилсин;

"Ўзпахтасаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбекипаги", "Ўзагромашсервис", "Ўзнефтмаҳсулот" ва "Қишлоқхўжаликкимё" уюшма ва компанияларининг жойлардаги корхоналари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилишини мунтазам равишда ўрганилиши таъминлансин. Улардаги мавжуд қарздорликларни тугатилиши, ушбу монопол ташкилотлар томонидан шартнома интизомига риоя этилиши доимий назоратга олинсин.

7. Давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар юридик хизматларининг ишини мунтазам таҳлил қилиб бориш лозим. Жойларда ҳуқуқий ишларнинг сифатини ошириш, юридик маслаҳатчиларни аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш жойлардаги адлия идораларининг масъулиятли вазифаси этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари зиммасига ҳар бир туман, шаҳар ҳокимликларини малакали ҳуқуқшунослар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриш вазифаси юклатилсин.

8. Қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш, уларга етказилган зарарни ундириб бериш, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан адлия органлари томонидан амалга оширилаётган ишларга жамоатчиликнинг эътиборини кенг жалб қилиш керак. Жамиятда хусусий мулк дахлсизлиги муҳитини яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш чораларини кўриш лозим.

"Инсон ва қонун" газетаси ва "Ҳаёт ва қонун" журнали **(Ш.Ҳамроев)** мазкур масалаларни ёритиб боришга алоҳида эътибор қаратсин.

8.1. Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси **(С.Раҳимов)** Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази **(Ғ.Абдумажидов)** билан биргаликда икки ой муддатда жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиниши бўйича чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқсин. Давлат идораларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб борсин ва уларни яхшилаш бўйича мунтазам равишда таклифлар киритсин.

9. Қуйидагилар Тошкент Давлат юридик институти **(М.Рустамбоев)**, Юристлар малакасини ошириш маркази **(Н.Норпўлатов)**, Тошкент юридик коллежи **(М.Сатторова)**нинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

ҳуқуқшунос кадрларни замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўриш, ҳуқуқ фани муаммоларини доимий таҳлил қилиш, илмий тадқиқотларни сифат жиҳатидан кўтариш, тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш

9.1. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази **(С.Отахўжаев)**:

криминалистика ва суд-экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этсин, суд экспертизаларини ўтказишда илм-фаннинг охирги ютуқларидан, замонавий воситалардан фойдаланишни таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга илмий-методик раҳбарлик қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва Адлия вазирлигига киритсин.

10. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси **(Б.Тойжонов)** 2004 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ягона расмий нашри "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"ни даврий нашр этиш ишларини ташкил этсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари нотариат, ФҲДЁ идоралари ва адвокатлик тузилмалари фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб борсин, уларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириш ишларини ташкил этсин, фуқаролар ва юридик шахсларга кўрсатиладиган ҳуқуқий хизматларнинг сифати ва ҳажмини ошириш, аҳолининг юридик хизматга бўлган талабини тўлароқ қондириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Адвокатлар томонидан адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек, уларнинг касбий тайёргарлиги устидан доимий равишда назорат олиб бориш лозим. Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси **(А.Инанбабаев)** бу борада амалга оширилаётган ишларни кучайтирсин.

Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси **(А.Инанбабаев)** жойлардаги адлия бошқармалари билан биргаликда адвокатлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини ва адвокатлик этикаси қоидаларини бузганлиги тўғрисидаги келиб тушган ҳар бир мурожаатнинг чуқур ўрганиб чиқилиши ва қонуний ҳал қилиниши ҳамда улар бўйича тегишли чоралар кўрилишини таъминласин.

12. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти **(Э.Кудратов)**:

икки ой муддатда судлар ва суд жараёнлари хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш юзасидан хорижий давлатлар тажрибасини ўргансин ва бу масалани тартибга солиш бўйича таклифлар киритсин;

судларни моддий-техникавий ва молиявий таъминлаш самарадорлигини ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш чораларини кўрсин.

Давлат даромадига ўтказиладиган молмулкларни сотиш ва ҳисобини олиб бориш, шу жумладан, автомототранспорт воситаларини ким-ошди савдолари орқали сотишда ҳамда муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий тўловларни (боқиманда қарзларини) ундириш бўйича суд қарорларини ижро этишда, бу борада қабул қилинган Ҳукумат қарорлари ва Адлия вазирининг буйруқлари талабларини сўзсиз ижро этилиши таъминлансин.

13. Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсуниши кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалари:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори ва ушбу буйруқ асосида бўлинмаларнинг янги низоми (устави) ва тузилмасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим этсин;

бир ой муддатда тегишли муҳр, штамп, бланк ва бошқа номи ёзилган объектларни қайта кўриб чиқсин ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига мувофиқлаштирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2003 йил 19 майдаги 46 ум-сон буйруғи билан ташкил этилган Аттестация комиссияси йил якунига қадар Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, адлия идоралари ходимларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказилишини таъминласин.

15. Кадрлар бошқармаси **(Л.Муртазина)** бир ҳафта муддатда Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси **(А.Юсупов)** ҳамда Марказий бухгалтерия **(К.Мамбетов)** билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ташкилий масалалар бўйича буйруқ лойиҳаларини тайёрласин.

16.Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси **(А.Юсупов)** бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қароридан келиб чиқадиган тегишли статистик ҳисобот шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳисобот шаклларни ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритсин.

17. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ижро учун юборилсин.

18. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосарлари **(И.Абдуллаев, Х.Содиқов, П.Саматов, Э.Кудратов)** зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазири А. ПОЛВОН-ЗОДА

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Islohot jarayoni

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 май куни эълон қилинган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимизда барпо этилаётган ва фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари зиммасига юклатилди. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят адлия бошқармасида ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, вилоятда фаолият юритаётган 102 та қўшма корхоналарнинг маълумотнома базаси яратилди. Бундан ташқари, қўшма корхоналарнинг вилоятдаги жойлашган ўрни кўрсатилган харита тузилди. Ҳозирги пайтда бошқарманинг хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар томонидан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни атрофлича ўрганиб чиқмоқда.

Шу ўринда аниқ мисолларга мурожаат этсак. Яқинда янги ташкил этилган Избоскан туманидаги "Вейлай Силк" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, корхонада ускуналарни монтаж қилиш ишлари учун тайёргарлик амалга оширилаётган бир пайтда "Андижон электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти томонидан электр энергияси етказиб берилиши тўхтатиб қўйилганини билдирди.

Аризани ўрганиш жараёнида қўшма корхона "Пойтуғ пойафзали" акциядорлик жамиятининг биносида жойлашгани, "Пойтуғ пойафзали" акциядорлик жамиятининг электр энергиясидан 862.089 сўм қарзи мавжудлиги, ушбу қарзни тўлашни вилоят электр тармоқлари корхонаси қўшма корхонадан талаб қилингани, қўшма корхона ушбу қарзни тўламагани сабабли электр энергиясини етказиб бериш тўхтатиб қўйилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, "Андижон электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти ва "Велай Силк" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўртасида шу йилнинг 1 апрел куни электр энергияси етказиб бериш ҳақида 170-сонли шартнома тузилган бўлиб, қўшма корхонанинг электр энергиясидан қарзи йўқ. Шу сабабли 20 июн куни Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан "Андижон электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятига ноқонуний ҳаракатни зудлик билан тўхтатиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилди. Натижада 24 июн куни "Велай Силк" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига электр энергияси етказиб берилиши таъминланди.

Қуйидаги мисол ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вилоят хўжалик судига бўлим томонидан киритилган Олтинкўл туманидаги "Олтин дери" ўзбек-турк қўшма корхонаси фойдасига 45.109.946 сўмлик маҳсулот ҳақини ундириш ҳақида даъво аризалар қаноатлантирилди. Бундан ташқари, Давлат солиқ инспекцияси идоралари томонидан берилган ариза бўйича "Олтин дери" қўшма корхона мол-мулки ҳисобидан мамлакат бюджетига солиқ (пенсия) тўловлари ҳисобидан 91.938.346 сўм боқиманда қарзини, 459.692 сўм давлат божини ундириш ҳақидаги чиқарилган суд қарори ижросини бир йил муддатга узайтирилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Андижон вилоят хўжалик суди шу йилнинг 17 июл куни "Олтин дери" қўшма корхонасидан "Миллийбанк" фойдасига кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаргани учун 2.849.812,04 АҚШ доллари ва 17.527.657 сўмлик давлат божини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган эди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари суднинг ҳал қилув қарорини қонуний ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқишганда, кредит шартномаси муддати 2005 йилнинг август кунига қадар белгиланганги, суднинг қарори билан ундирувга қаратилган мол-мулк бўйича тузилган тергов шартномаси нотариал тасдиқланмагани маълум бўлди. Шу боис бошқарма вилоят хўжалик судининг шу йил 17 июлдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида судга апелляция шикояти киритди.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, хорижий инвестиция иштирокида корхоналарда ўтказилиб келинаётган мониторинг даврида назорат қилувчи идоралар томонидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсати билан ўтказилган текшириш ҳужжатларини ўрганиш билан бир қаторда корхоналар жойлашган туман-шаҳар ҳокимликлар томонидан қўшма корхоналарга нисбатан қабул қилинаётган қарорларининг қонунийлиги ҳам ўрганилмоқда. Ушбу мониторинг даврида назорат қилувчи идоралар томонидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсати билан ўтказилган текширишларда текширувчилар томонидан аниқланган камчиликлар юзасидан қўшма корхона ходимларига нисбатан солинаётган маъмурий жарималарнинг қонунийлиги кўриб чиқилмоқда. Бу эса хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Р. ИМОМОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи



Taqdimnoma kiritildi

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРИШ ОҚИБАТИ

Аслида назорат қилувчи идоралар ўзларига берилган ваколатдан фойдаланиб, хўжалик юритувчи субъектларда қонунбузилишининг олдини олишлари лозим. Аммо ваколатини пеш қилиб, ноқонуний текширишларга йўл қўяётган текширувчилар онда-сонда бўлса-да, учраб турибди.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Бекобод тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2002 йилги фаолияти ўрганилганда кутилмаган далилларга рўбарў келинди. Жумладан, 2002 йилда назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатисиз Бекобод туманидаги "Ўзбекистон", "Авангард", "Хос", Мавлонов ва Улуғбек номидаги жамоа хўжаликлари ва "Янги ҳаёт" ширкат хўжалигида ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, ДСЭНМ томонидан қонуний йўл турганда, нега қинғир йўл танланди? Бунга уларни нима мажбур қилди? Нима учун қанчаданқанча одамларнинг вақти беҳудага сарфланди?

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Ноқонуний хатти-ҳаракат ўз вақтида тўхтатилди. Жиноят ишлари бўйича Бекобод суди томонидан 2003 йил 28 февралда туман ДСЭНМ бош шифокори А.Абдуллаевга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, унга маъмурий жарима жазоси белгиланди.

Аммо бундай ҳолатларнинг ягона эмаслиги кишини ташвишлантиради. "Ўзстандарт" агентлигининг Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ҳеч қандай рухсатсиз Янгийўл туманидаги "Азиза" масъулияти чекланган жамият, Бўстонлиқ туманидаги "Фарҳод" хусусий фирмаси, Бекобод шаҳридаги "Дилшод" фирмаси ва Қибрай туманидаги "Мирзакарим ота" ва "Тоҳир" хусусий корхоналари фаолияти ноқонуний текширилган.

"Азиза" масъулияти чекланган жамиятнинг шикояти "Ўзстандарт" вилоят ташкилоти фаолиятидаги бошқа ноқонуний текширишларни ҳам аниқлашга сабаб бўлди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда бўлса ҳам чиқади, деб шунга айтишса керак-да.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича тегишли туман ва шаҳар судларига ноқонуний текшириш ўтказган шахсларга нисбатан МЖТКнинг 241-1-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф ҳамда "Ўзстандарт" агентлигига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан тақдимнома киритилди. Ноқонуний текшириш натижасида етказилган 100.000 сўм маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Ҳозирги вақтда даъво аризаси суд томонидан кўрилмоқда.

* * *

Ангрен шаҳар ҳокимининг 2002 йил 11 октябрда 69-Ф-рақамли "Шаҳар марказий касалхонасини таъмирлаш йўли билан «Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази»га айлантириш ҳақида"ги фармойиши қабул қилинган эди. Унга биноан қурилишга шаҳардаги айрим тадбиркорлик субъектларининг маблағларини жалб этиш назарда тутилган эди. Вилоят адлия бошқармасининг ўз вақтида аралашиши натижасида бу ноқонуний хатти-ҳаракатнинг олди олинди. Ангрен шаҳар ҳокими номига келгусида бундай қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тақдимнома киритилди.

* * *

Чиноз туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги 2002 йил 30 июлда бўлиб ўтган ярим йиллик умумий йиғилишининг 2-сонли қарори билан шу ширкат хўжалиги аъзоси Ж.Усмоновга деҳқончилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш учун 20 (йигирма) гектар ер майдони қишлоқ хўжалик йили тугагандан сўнг ажратиб берилиши лозим эди.

Фермер барча ҳужжатларни тайёрлаб, рўйхатдан ўтиш давлат божини ҳам тўлаганлигига қарамай, туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар турли баҳоналар билан қабул қилмаган.

Бу билан Вазирлар Маҳкамасининг 300-сонли қарори ва бошқа қонун талаблари қўпол равишда бузилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Чиноз тумани ҳокими номига қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Иброҳим ҲОТАМОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

УНУТИЛГАН ҚАРЗДОРЛИК

ҚОНУН ЁРДАМИДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Андижон вилоятидаги "Қурилишматериалсаноатбутлаш" бошқармаси Наманган вилоятидаги "Нам-кон" хусусий фирмасидан шартнома асосида 6 миллион 327 минг сўмлик сабзи ва олма шарбатларини олди-ю, бироқ унинг ҳақини тўлашни унутиб қўйди. Хусусий фирмадагилар Андижонга қатнайвериб, роса ҳолдан тойишди.

Ниҳоят, бу ҳакда тоқати тоқ бўлган "Нам-кон" хусусий фирмасининг бошлиғи К.Муталов Андижон вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этди. Адлия ходимлари хусусий тадбиркорнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига даъво аризаси киритди. Даъво аризасида хусусий фирманинг фойдасига 6 миллион 327 минг сўм асосий қарз, 949 минг сўм жарима, 3 миллион 163 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш масаласи баён этилган эди. Ушбу даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судида кўриб чиқилаётган пайтда Андижон вилояти "Қурилишматериалсаноатбутлаш" бошқармасининг бошлиғи М. Исанов жавобгар сифатида бир неча бор судга таклиф этилган бўлишига қарамасдан, суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмади. Шу боис суд мазкур ишни сиртдан кўриб чикди.

Судда "Қурилишматериалсаноатбутлаш" бошқармасининг "Нам-кон" хусусий фирмаси маҳсулотини шартнома асосида олиб, унинг ҳақини тўлашни пайсалга солиб, тадбиркор ҳамкорини 494 кун сарсон-саргардон қилгани ўз исботини топди. Натижада суд бошқарманинг ҳисобидан "Нам-кон" хусусий фирмаси фойдасига 6 миллион 327 минг сўмлик асосий қарз, 949 минг сўмлик жарима ҳамда 3 миллион 163 минг 500 сўмлик устама ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, М.Исановдан тадбиркор К.Муталовнинг фойдасига 100 минг сўмлик маънавий зарар ундирилади. Жавобгар давлат фойдасига 2 миллион 87 минг 910 сўм давлат божи ҳам тўлайдиган бўлди.

Хуллас, қонун ёрдамида "Нам-кон" хусусий фирмаси раҳбари К.Муталовнинг 494 кунлик сарсон-саргардонлигига якун ясалди.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Бугунги кунда банклар фаолияти барча соҳалар учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки маблағинг банкда турса, кўнглинг тўқ бўлади, ҳеч қандай хавотирга ўрин қолмайди.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида банк маблағ эгаси билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариши белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 39-моддасида эса банкнинг маблағлар сақланиши ва омонатлар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун мижозлар олдидаги жавобгарлиги кафолатланган.

Демак, хавотирланишга ҳеч қандай асос йўқ.

Шундай деймиз-у, бироқ ҳаётда баъзан нафс қутқусига учган айрим кимсалар фуқароларнинг банкдаги маблағига ҳам чанг солмоқчи бўлгани қулоққа чалиниб қолади. Хусусан, буни Жиззахдаги "Абдулла" фермер хўжалиги бошидан кечирган бир воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, "Абдулла" фермер хўжалиги "Тадбиркорбанк"нинг Учтепа бўлими мижозларидан бири эди. Шунингдек, фермер хўжалиги "Жиззах ун заводи" масъулияти чекланган жамият ҳамда Акмал Икромов номидаги пахта тозалаш заводи билан шартнома тузиб, етиштирган ғалла ва пахтасини уларга топширганди. 2001 йилда ун заводидан ғалла учун аввал 33 минг сўм маблағ фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушади. Банк ходимлари эса бу маблағни ўзларининг махсус ҳисоб рақамига тушириб олишади. Орадан беш ой ўтгач, 400 минг сўм маблағ яна ун заводидан фермернинг банкдаги ҳисоб-рақамига жўнатилади. Лекин банк ходимлари бу маблағни ҳам ўзларининг махсус ҳисоб рақамига қайд этиб, ўз тасарруфларига олишади.

Ким билади, балки улар фермерни кўнгилчан, деб ўйлашганми ёки ўта сахий, ҳотамтой билишганми — ишқилиб, банк ходимларининг иштаҳалари янада очилиб бораверган. Пахта тозалаш заводидан фермер хўжалиги ҳисобига аввал жўнатилган 156 минг, сўнг яна 55 минг сўмни ҳам тап тортмай ўзлариники қилиб олишади. Қисқаси, 2001 йилда фермер хўжалиги ҳисоб-рақамига келиб тушган жами 928 минг сўм маблағга улар ўтирган жойларидан эга чиқишган.

Ёғ солмасанг, қозон қайнамайди. Рўзғор харажатлари пулсиз битмайди. Ишчиларга, яъни фермер хўжалиги аъзоларига иш ҳақи бериш керак. Шунинг учун фермер хўжалиги ҳисобчиси Т. Ҳасанов тинмай банкка қатнайди. Маблағни ўзларининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўраб, роса овора бўлади. Банк ходимлари эса гўё мум тишлагандек жим. Натижа чиқмайди. Бу орада кутилмаганда "Тадбиркорбанк"нинг Учтепа бўлими ёпилиб қолади.

"Тадбиркорбанк"нинг Жиззах вилоят бўлими Учтепа бўлимининг вориси эди. Бундай ҳолда қарз ворисдан ундирилиши керак. Шу боис Жиззах вилоят адлия бошқармаси "Абдулла" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, "Тадбиркорбанк"нинг Жиззах вилоят бўлимини судга берди.

Яқинда вилоят хўжалик суди бу ишни кўриб чикди. "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлими ҳисобидан "Абдулла" фермер хўжалиги фойдасига 928 минг сўм асосий қарз, 44 минг 800 сўм банк фоизи — жами 1 миллион 368 минг сўм ундиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Давлат божи ва суд харажатлари ҳам банкдан ундириладиган бўлди.

"Тадбиркорбанк"нинг Учтепа бўлими раҳбари ва масъул ходимлари **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги ва бошқа амалдаги қонунлар ҳамда шунга доир ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш ўрнига уларга хилоф иш тутганликлари туфайли ана шундай нохуш ҳол юз берди. Оқибатда тадбиркорлик субъектининг манфаатлари поймол қилинди. Ўз қонуний маблағига эгалик қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилди.

Ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки уни эгаллаб олишга уриниши текинхўрликдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, шуни унутмаслик керакки, қонунсизликка, қонунларга амал қилмасликка барибир йўл берк.

Аширқул ЭШБЕКОВ,
ҳуқуқшунос
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

ЖИНОЯТ ВИКТИМАЛОГИЯСИ НИМА?

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда "жиноят қурбонлари", яъни жиноят виктималогияси ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, жиноят виктималогияси нима? Бунга жавобан шуни айтиш лозимки, виктималогия сўзи лотинча "Victimo" сўзидан олинган бўлиб, "жиноят қурбони" деган маънони англатади. "Жиноят қурбони" деганда жиноят содир этилишига шароит яратган ва унга ёрдам берган шахс тушунилади.

Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатадики, ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик, босқинчилик орқали талон-тарож қилиш, номусга тегиш каби жиноятларнинг 10 тасидан 8 тасига "жиноят қурбонлари", яъни жабрланувчиларнинг ўзлари сабаб бўлмоқда. Масалан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятини содир этилишида жабрланувчилар, яъни "жиноят қурбонлари" жиноятчиларга ўзларининг бойликлари ҳақида мақтанган, улар билан бирга улфатчилик қилган ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, жиноятни тез ва тўлиқ очиш учун жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни ва жиноят виктималогиясини ўрганиб чиқиш яхши самара беради. Чунки жиноят содир этилишида шундай ҳолатлар учрайдики, жиноятчи учун жабрланувчи ҳеч қандай қийматга эга эмас, айрим ҳолларда жиноятчи учун жабрланувчининг ўзи ҳам жиноятчидир. Масалан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилишда жиноятчиларнинг "қурбони" жиноий йўл билан бойлик орттирган шахслар бўлиши мумкин. Аниқроқ айтганда, бу ҳолатда бироробир шахснинг жиноий йўл билан топган мол-мулкини бошқа жиноятчилар талон-тарож этади. Одатда, бундай "жиноят қурбонлари" ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этмайди. Чунки жиноятчи — жабрланувчи жиноий қилмиши фош бўлиб қолишидан қўрқади. Бунинг натижасида кўплаб жиноятлар очилмай қолади, бу эса ўз навбатида, жиноятчига ўз фаолиятини янада ривожлантиришга туртки беради.

Жиноят "қурбонлари" ҳуқуқшуносликда турлича талқин этилган. Айрим олимлар жиноят "қурбонлари"ни содир этган жиноятнинг тури ва унинг хусусиятига асосан таснифлашган. Масалан, фирибгарлик жиноятини содир этувчилар учун жиноят "қурбонлари" турличадир. Ҳуқуқшунос В.Миддендорф жиноят "қурбонлари"ни таъмасиз қурбон, қулай вазият қурбони, ишонувчанлик ва ҳиссиёт қурбони, ўз ғаразгўйлик ва фирибгарлик қурбонлари каби турларга ажратган. Унинг фикрича, таъмасиз қурбонлар шундай кишиларки, қаллоблар уларнинг ачинишлари, ҳатто ўзларининг фароғатлари ва қадрли нарсаларидан кечиб бўлса-да, бошқаларга ёрдам бериш, кўнгилларини кўтариш иштиёқидан унумли фойдаланади. Қулай вазият қурбонлари ишбилармон эмас, лекин вақти келганда «жиноят қурбони»га айланади.

Ишонувчан ва ҳиссиёт қурбонлари эса яхшигина хайр-эҳсон эвазига ғайритабиий кучлар ёрдамида ғам-ташвиш ва бахтсизликдан қутулишга ишонади (фол очиш, афсунгарлик, кинна солиш қурбонлари).

Ўз таъмагирлиги ва қаллоблигининг «қурбонлари» ҳақида ҳуқуқшунос Д.Морер шундай деган: "Жиноятчилар ишончдан фойдаланувчи ўз "қурбони"нинг ҳалол эмаслиги туфайли ниятига эришади. "Ўйин"ни бошлар экан, у аввало ўз қурбони билан тўлиқ ҳамфикр эканини намоён этади. Шундан кейин бисотидаги барча воситаларни ишга солиб, ўз «қурбони»да очкўзлик ҳиссини қўзғай бошлайди. Қимнидир алдаш иштиёқида унинг ўзи алдов «қурбони» бўлиб қолганини сезмайди, худди мана шу "ишончдан фойдаланувчи"нинг ўзи кимнингдир ҳисобидан бир нималик бўлиб қолишга урингани учун содир бўлган воқеа ҳақида полицияга хабар бермайди".

Чиндан ҳам, амалиётда жабрланувчи шахсларнинг кўпи келажакда жиноятчи бўлиб қолиши кузатилади. Ҳуқуқшунос Г.Шнайдернинг маълумотларига кўра, ёшлигида жабрланувчи бўлганларнинг 64 фоизи катта бўлгандан кейин жиноятга қўл урган, ёшлигида жабрланувчи бўлмаган жиноятчилар эса 22 фоизни ташкил этган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ёшлигида ёки вояга етмаган даврида жабрланувчи бўлган шахсларнинг кўпчилиги кейинчалик жиноят содир этади. Бундай шахслар руҳиятига шафқатсизлик, ўзгаларга тажовуз қилиш ҳолатлари сингиб кетган. У ўзининг эрки ва иродасига хилоф равишда шундай аҳволга тушади. Унинг онгида "нега жиноятчи жамият учун фойда келтирмаса-да, яхши яшайди, мен эса шунча ишласам ҳам ночор яшайман", деган тушунча шаклланиб, уни ҳам ана шундай қабиҳ ишларни содир этишга ундайди.

Жиноят виктималогиясини таҳлил этиш ва ўрганиш борасида кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилган. Бунга немис ҳуқуқшунос олими, криминолог Ганс фон Гентик қаламига мансуб "Жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги ўзаро акт бўйича мулоҳаза" номли китобни мисол сифатида келтириш мумкин. Бундан ташқари, 1963 йили жаҳонда илк маротаба Янги Зеландияда жиноят жабрланувчисига етказилган зарарни ундириш тўғрисида қонун қабул қилинди. 1973 йил виктималогия муаммолари бўйича дастлабки халқаро симпозиум ўтказилди. Бу симпозиумда "виктималогия" тушунчаси, жиноятнинг жабрланувчиси, жиноятчи ва жабрланувчилар ўртасидаги муносабатларга тегишли масалалар ҳамда жамият жабрланувчиларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш масалалари кўриб чиқилди ва таҳлил этилди. Бундай халқаро симпозиумлар 1976 йилда АҚШнинг Бостон, 1979 йилда Германиянинг Мюнстер, 1980 йилда АҚШнинг Вашингтон, 1982 йилда Токио, 1985 йилда Загреб шаҳарларида ўтказилди. Уларда жиноят виктималогиясига доир муаммоли масалалар муҳокама этилди. Бундай халқаро даражадаги ҳамкорлик ўз самарасини берди, албатта.

Хулоса ўрнида айтсак, виктималогия фани жабрланувчини ўрганиш орқали жиноятнинг содир бўлиш сабабларини аниқлаш, жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис суд-тергов амалиётида виктималогия ютуқларини татбиқ этиш тобора ривожланиб бормоқда. Зеро, у самарадорлиги билан бошқа усуллардан алоҳида ажралиб туради.

Илҳом УБАЙДУЛЛАЕВ,
Бекзод ЁҚУБОВ

Munosabat

БАҲОНАМИ ЁКИ ХАСПЎШЛАШ?

Кейинги пайтларда ҳолат, билим, нарх, баҳо, хизмат сифати бўйича мониторинг ўтказиш барча соҳаларда қўлланилмоқда. Демак, айрим идоралар текширишларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси рухсатини олиб ўтирмай, исталган соҳада кузатув ўтказиши мумкин.

Бу яхшими ёки ёмон?

Масаланинг бу жиҳатига мутахассислар баҳо беришар, бизни қизиқтираётган муаммо эса ана шу туфайли келиб чиқаётган баъзи бир можаролар ва уларга турли муносабатнинг мавжудлигидир.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси (МЧРРВҲБ) бошлиғининг буйруқларига биноан шу идора ходимлари А.Бекмуродов ва Х.Телегенов истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Гулистон ва Сирдарё туманлари ҳамда Гулистон шаҳри вакиллари билан бирга савдо дўкони, АЁҚШ ва дорихоналарда мониторинг ўтказишди. Барча жойда хўжалик юритувчи субъектларга кўйилган айб битта: харидорга тўлов чеки берилмаган. Шу бўйича маълумотномалар тузилиб, сотувчи ва операторларга қўл қўйдириб олинди. Сўнг бошқарма бошлиғининг қарори билан ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима қўлланилди. Ҳамма ғавғо ана шундан сўнг бошланди.

Гулистон туманида ўтказилган ана шундай мониторинг натижасида "Нурота" хусусий дўкони сотувчисига тўлов чекини бермагани учун 453600 сўм жарима қўлланилган. Бироқ дўкон эгасининг тушунтириш хатида ёзилишича, назорат-касса машинасида чек учун қоғоз аввалги куни тугагани ҳақида солиқ инспекциясига маълум қилинган ва пул тушуми махсус дафтарига қайд этиб турилган. Яна бир ғалати жиҳати шундаки, дўконнинг барча мол-мулки миқдори жаримага етмас экан. Бу ҳолатлар "текширувчи"ларни ҳам, қарор чиқарувчини ҳам ташвишлантирмади.

Ушбу текширувчилар Сирдарё тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари билан шу тумандаги 1-АЁҚШда оператор О.Зокиров харид чеки бермади, деб маълумотнома тузишди.

Эртаси шу бўйича жарима қўллаш ҳақида қарор чиқди. Энг ачинали томони шундаки, О.Зокиров умуман бу шаҳобчага қарашли бўлган "Шохрух" фирмасида ишламас экан. У бор-йўғи оператор бензин олиб келиш учун кетган пайтида ўрнини қўриқлаб турган таниши бўлган...

Шу гуруҳ Сирдарёдаги "Диёр" хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда ўтказган "кузатув" ҳам ғалати. Бензин қуйилгач, харидор Қ.Муҳаммадиев харид чекини олмасдан, автомашинасига келиб ўтиргани ҳақида тушунтириш хати ёзган. Кейинги текширувда эса Қ.Муҳаммадиев холис сифатида, Б.Абдушукуров харидор сифатида қатнашган. Текшириш "Етти юлдуз" хусусий дорихонасида давом эттирилган. "Харидор" ўша бошқарма текширувчиси А.Бердимуродов берган 100 сўмга «аналгин» дориси харид қилган ва чекни беришларини кутмасдан чиқиб кетган. Чунки тушунтириш хатида ёзишича, унга шундай йўл тутиш лозимлигини аввалдан уқтиришган...

Гулистон шаҳридаги мониторинглар ҳам юқоридагидек ниҳоясиз. "Зилола", "Табобат", "Имом Муҳаммад" хусусий дорихоналаридаги "кузатув"лардан сўнг сотувчилар тушунтириш хатларида ёзганидек, "харидор" ё назорат-касса машиналарида қоғоз алмаштирилишини кутган, ё чекни олмай кетиб қолган. Не ажабки, ҳар уччала ҳолатда ҳам харидор Т.Жумаева атай шундай йўл тутгани судда ўз исботини топди.

Бироқ бизни ажаблантираётган томони шундаки, текширишлардаги нохолисликкина эмас, "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида"ги Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибдан четга чиқиб, ўз ваколати доирасига кирмаган вазият, яъни тўлов чекини бериш ҳолати бўйича мониторинг ўтказилгани ҳам бошқарма раҳбариятини иккилантирмади.

Кейин маълум бўлдики, ушбу бошқармадагилар унчабунчага иккиланиб қоладиган эмас экан. Чунки бошқарманинг ўша ходимлари биронбир ҳолатнинг тўғри ёки нотўғри эканини исботлаш учун ноқонуний йўл тутиш, яъни мониторинг деб, аслида текшириш ўтказиш тўғри келмаслиги ҳақида ўйлаб ўтиришмади.

Вилоят хўжалик суди ушбу бошқарманинг молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорларини юқоридаги асосларга кўра ҳақиқий эмас, деб топди. Аммо бошқарма томонидан Олий хўжалик судига вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш, адлия бошқармасининг даъвосини рад этишни сўраб кассация шикояти ёзилди.

Олий хўжалик суди судлов ҳайъати суд ва прокуратура вакиллари хулосаларини, тарафларнинг кўрсатма ва эътирозларини тинглаб, кассация шикоятида келтирилган важларни муҳокама этиб, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз ва кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

МЧРРСВХБ бошлиғининг 11 августда судга юборган эътирозномасида берилган бир фикр эътиборга сазовор: **"Мониторинг кузатув ўтказишда истеъмолчи бўлиб қатнашган шахс катта аҳамият касб этмайди, унга сотувчининг ўзи иқрор бўлса кифоя"**. Яхши, шу боис ким кимга қарандошлигини биз ҳам санаб ўтирмаймиз. Муҳими, улар атайлаб харид чекини олмай чиқиб кетишганини баён этишибди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг айрим ходимлари нутган йўлга ҳам ҳайрон қоласан киши. Ахир, маҳсулот сотиш ноқонунийлиги, ғирромлик борлиги, харид чеки берилмаслиги аввалдан маълум бўлса, уни текшириш учун МЧРРСВХБга шикоят ёзишларининг нима кераги бор эди? Чек берилиши ва накд пул тушумини назорат қилувчилар, жумладан, солиқ идоралари бор эди-ку?!

Хуллас, ноқонуний мониторинг ўтказиш, текширув ҳужжатларини таҳлил қилмасдан, мавжуд ҳолатларга ҳаққоний ва холисона ҳуқуқий баҳо бермаслик, сўнг даъво ва суд қарорини тан олмаслик ҳамда булар устидан кассация шикояти ёзиш — булар бир бошқарма учун кўплик қилмасмикан, деб шубҳага борасиз. Чунки бундай ҳолат бир-икки марта билан чекланиб қолмаяпти. Шундай деймизу, бироқ аввал бошдан ноқонунийликка йўл қўйилган жойда кейин холисона хулоса чиқарилишига бизнинг ҳам ишонгимиз келмаяпти. Ўртадаги можаро муаммони ҳал этиш муддатини чўзиш вазифасини ўтаяпти, холос.

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМАСИЗ НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛМАЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низом (1-илова бўйича) тасдиқланди.

2004 йилнинг 1 январидан бошлаб амал қила бошлайдиган ушбу Низом ўз ичига: 1) Умумий қоидалар; 2) Тиббий кўрикни ўтказиш тартиби; 3) Тиббий кўрикдан кейин ФҲДЁ идораларида никоҳни қайд этиш тартиби; 4) Якуний қоидаларни мужассамлаштирган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳажмига эътибор берадиган бўлсак, бу ҳолат ҳам ўзининг қонуний аксини топади. Булар қуйидагилар: 1) Руҳий касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения); 2) Наркологик; 3) Захм; 4) Сил ва 5) ОИВ (ОИТС) юзасидан текширишлар.

"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун" бериладиган йўлланмага (2-илова бўйича) асосан никоҳланувчи шахслар 2 ҳафтадан ошмаган муддатда тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим.

Ўз навбатида тиббий муассаса томонидан "Шахсларнинг никоҳга киришдан олдин тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома" (3-илова бўйича) берилади.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатни айтиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори "Оила" Кодексининг 17-моддасини бажариш юзасидан ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун тартиб-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу Қарорнинг 6-бандига кўра, 1999 йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли Қарори 1-иловаси билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"га қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Қоидаларнинг 88-бандига биноан "...тиббий текширувдан ўтгани тўғрисида маълумотнома бўлмаганда никоҳ қайд этилишига йўл қўйилмаслигига кафолат бўлиши баробарида барча никоҳланувчиларнинг манфаатига хизмат қилади.



Кечмишларга сирдош минора

Jahon tajribasi

АҚШ: ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, АҚШ президентлик институти обрў-эътиборга эга бўлиш, аҳолининг ҳурматини қозониш ва бутун сиёсий тизимнинг куч манбаига айланиши мумкинлигини амалда намойиш қилди.

Тарихга назар солсак, АҚШ президентлик институти ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мамлакатда вужудга келган кучли президентлик институтининг ташқи шакли ва ички мазмуни XIX ва XX асрларда конституциявий тартибга қараб ўзгарган. Бу жараёнда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этган. Аниқроқ айтганда, бу даврда кўплаб прецедентлар ва Олий суд ҳукмлари натижасида "ёзилмаган Конституция" вужудга келган. Бунинг натижасида мамлакатда ўзига хос конституциявий оддий ҳуқуқ ривожланди. Шунинг учун ҳам ҳар бир президентлик бошқаруви қонунларга муайян ҳолатлар ва ҳодисалар тўқнашуви, фикрлашнинг (жамоатчилик фикри) умумий муҳити, президент шахси ва унинг ўз бурчларидан келиб чиққан ҳолда амал қилди.

Конституция аввал бошданоқ шундай тузилишга эга эдики, унда президент ва Конгресс ўртасидаги доимий боғлиқлик ўз аксини топган эди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, янги конституциянинг ҳимоячилари ҳисобланган федералчилар бу ҳолни норозилик чиқишларида конституцияга нисбатан шубҳали муносабатда бўлган аҳолига фаол тарғиб этишди. Бундай норозилик чиқишлари Филадельфия лойиҳаси эълон қилинган 1787 йилнинг 17 сентябрида бошланди ва 1788 йил ёзининг охирига қадар давом этди. Антифедералчилар президент маҳкамасига қарши ҳужум уюштиришди. Бунда асосан ҳокимиятнинг алоҳида штатлардан федерал ҳукуматга ўтказилиши танқид остига олинди. Конституция муҳолифларининг фикрича, алоҳида штатлар суверенитетининг бекор қилиниши ва федерал ҳукуматнинг кучайтирилиши марказлаштирилган ягона давлатга, гўёки шуҳратпараст ва ҳокимиятга чанқоқ миллий оқсуяклар томонидан бошқариладиган Америка империясига йўл кўрсатарди. Бошқача айтганда, президентликни улар пировард мақсади Англиядагига ўхшаш монархияни жорий қилишдан иборат бўлган ана шу тоифанинг воситаси сифатида қабул қилишди. Жумладан, антифедералчилар чексиз қайта сайланиш имкониятини қоралади, президент ва сенат ваколатларининг бирлаштирилишига, федерал судьянинг президент томонидан тайинланиши ва янги пойтахт барпо этишга қарши чиқдилар. Уларнинг тахминича, бу ерда президент халқдан узоқда "ўз саройи"га эга бўлиши, парламент эса коррупцияга берилиб, солиқларни ҳавога совуриши лозим эди. Шунга қарамай, кўпчилик Жорж Вашингтонни биринчи президент сифатида эътироф эта бошлади. Бу америкаликлар томонидан Вашингтоннинг ҳокимиятни ҳеч қачон суиистеъмол қилмаслигига билдирган юксак ишончи эди.

Гамильтон, Мэдисон ва Жон Жей сингари федералчилар XVIII асрдаёқ президентлик институтини ёқлаб чиқишди ва унинг кейинги фаолиятини белгилаб беришди. Хусусан, улар президент билвосита бўлса-да, демократик сайлов йўли билан халқ томонидан сайланишни ва ҳар тўрт йилда яна ўз номзодини қўйиши лозимлигини қайд этишди. Бу қоида президентлик лавозимини мерос қолдириш мумкин эмаслиги сабабли табиатан қобилиятсиз одам ҳеч қачон давлат тепасига кела олмаслигини ҳамда бу лавозимга муносиб бўлолмаган президент эса оддий тартибда алмаштирилиши ёки зарур ҳолда "импичмент" тартибида лавозимдан олиниши мумкинлигини назарда тутарди. Бу жараён Конституция ёрдамида амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакат конституцияси демократия ва республика тамойиллари асосида тузилган идеал ҳукумат тизимини вужудга келтирди. Бу тизим ичида ижро этувчи ҳокимият ҳам мустақил, ҳам бутуннинг бир қисми сифатида иш олиб боради. Ҳокимият турларини чатиштириш ва қўшимча кафолатларни яратиш президент ва Конгресснинг самарали ишлашига ёрдам берди. Бу ҳолни Мэдисон шундай изоҳлаган: "Ҳукумат бўғинларининг рақобатини вужудга келтирган куч, умум равнақи ва миллий манфаатларга хизмат қилади; бу куч суверен халқнинг муттасил назорати остида ва конституция доирасида қолади". Бу ғоя ҳаммага бирдек маъқул келди. Чунки унда барча фуқароларнинг манфаати ўз аксини топган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, президентлик институтининг ривожида америкаликларнинг Жорж Вашингтонга билдирган ишончи ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 1788 йилнинг ёзида конституциянинг ратификация қилинишини ниҳоясига етказиш учун ишлаган ва ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатган ушбу ҳужжатнинг ҳаётий аҳамиятини ва ҳозирги кунгача ўз кучини сақлаб келаётганлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Президентлик институтини ёқлаб чиқишдаги ва унинг кейинги фаолиятини белгилаб беришдаги Вашингтон ва Жефферсон ўзларининг ҳаётлари давомида президентлик институтини ривожлантиришга ва ҳозирги замонгача ўз ҳиссаларини қўшиб, ўзлари ва ҳаётлари ҳамда фаолиятлари ҳеч ҳам ўзгаришсиз ва ўзгаришсиз ҳеч ҳам ўзгаришсиз ва ўзгаришсиз ҳеч ҳам ўзгаришсиз ва ўзгаришсиз

ЕНГИЛ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Ёшларнинг тарбиясига эътиборсизлик, панжа орасидан қараш салбий оқибатларга олиб келишини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бу борада нафақат ота-она, мактаб, ўқув даргоҳлари, балки маҳалла қўмиталари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам узлуксиз тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришлари зарур.

Албатта, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, эртанги кунимизнинг эгалари саналмиш ёшларимиз барчаси аъло хулқли, илмли, касб-ҳунарли бўлиб вояга етадилар. Аммо шоли қурмаксиз бўлмаганидек, улар орасидан ҳам айрим гиёҳвандликка, турли жиноят йўлларига кириб қолганлар ҳам учраб қолмоқда.

I. ГИЁҲВАНДЛИК КАСРИ

Гиёҳвандлик инсон ҳаётида аянчли из қолдиради, бир-биридан мудҳиш минглаб касалликларни келтириб чиқаради. Бир сўз билан айтганда, бу дарду бало одам ҳаётини батамом издан чиқариб ташлайди, унинг домига тушган киши инсонийлик қиёфасини йўқотади.

Энг аянчлиси, бу оғу одамнинг бугунги ҳаёти билан чекланмай, унинг келажак насли, зоту зурриёдига ҳам таъсир қилади. Дунё миқёсида олиб қараганда, минглаб майиб-мажрух, яшаб кетиш қобилиятини йўқотган гўдаклар энг аввало, мана шундай дарду бедаво таъсирида туғилганининг ўзи ҳам гиёҳвандлик нечоғлик катта офат эканидан далолат беради.

Мана шундай айбсиз айбдор бўлиб қолган гўдакларга кўзинг тушганда, наҳотки одамзот боласи ўз томирига болта урса, деб ўйлайсан киши.

Бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун эса, аввало, ёшларни бу оғу чангалига тушиб қолмасликларига ҳаракат қилиш зарур.

Тошкент шаҳрида туғилган Анвар Бекмуҳаммедов ёнидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари 3,7 грам "марихуана" гиёҳвандлик воситаси топишган. Тиббий текшириш натижасида ва наркология диспансерининг хулосасига кўра, А.Бекмуҳаммедов "героин" деб номланган гиёҳванд воситасини истеъмол қилиши ва гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги аниқланган. Ҳали ёш йигитнинг бундай аҳволга тушиб қолишида энди кимни айблаб, кимдан хато қидиришини-да билмайсан.

Ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаган Телман Алиев ҳам шундай иллатнинг гирдобига тушиб қолган. Натижада доимий "героин" моддасини истеъмол қилиб юрган. У ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари томонидан текшириб кўрилганда, ёнидан 0,22 грамм туйилган "героин" моддаси чиқди. Тергов давомида Тельман Алиев гиёҳванд моддасини Бахтиёр Расул-зода деган танишидан сотиб олгани аниқланди ва ҳар иккисига ҳам суд тегишли жазо тайин этди. Шу билан бирга улар гиёҳвандликдан қутулиш учун махсус касалхонада мажбурий даволанишга ётқизилди. Бир сўз билан айтганда, катта жиноятнинг, маънавий инқирозининг олди олинди.

II. ЭШИКДАН ҚАЙТГАН БОСҚИНЧИЛАР

Биз аксарият ҳолларда жиноят содир этилиб, суд ҳукм чиқарган ҳодисалар ҳақида ёзамиз. Лекин ҳуқуқни муҳозафа қилиш идоралари томонидан жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳам кўпгина тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Яккасарой туманида ҳам бундай аҳамиятли, диққатга сазовор ишлар талайгина.

Санжар Нормуҳаммедов эндигина йигирма уч ёшга киргганига, барча қатори ақл-ҳуши, саломатлиги жойидалигига қарамай, ҳалол меҳнатга ҳеч бўйни ёр бермади. Уйидан хоҳлаган пайтида чиқиб кетиб ярим тунда қайтишни, кўча-кўйда сандираклаб юришни одат қилди. Ҳатто ўзига ўхшаган такасалтанг дўстлар орттиришга ҳам улгурди. Албатта, кўчада юрган кишига пул керак, уни топиш учун эса қаердадир тер тўкишга тўғри келади. Аммо Санжар ва унинг ҳамтовоқлари бу йўлда бошқача усул қўлламоқчи бўлишди. Улар ўзаро хуфёна тил бириктиришиб, "Иж-17" русумли ов милтиғи, шунингдек, ўқдорилари сотиб олишди. Улар хонадонларга бостириб кириб босқинчилик қилиш учун милтиқнинг қўндоғи ва стволини кесиб, қирқма қурол ясашди. Шундан сўнг Санжар шериклари билан ўзлари аввалдан кўз остилари мақсадларини амалга оширишолмай қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Орадан 3-4 кун ўтгач, жиноий режага биноан Санжар Нормуҳаммедов шериклари билан милтиқ, пичоқ, юз ниқоби, резина қўлқоплари билан қуролланган ҳолда яна Котликнинг уйига келади. Аммо яна Котликнинг хонадонидагилар хушёр тортишиб эшикни очмайди. Бундай ҳолат кўп марта такрорланганидан жиноятчилар мақсадларига етолмади.

Уларнинг сўнгги уринишлари эса тонг саҳарга режалаштирилади. Босқинчилар ўқланган қирқма милтиқ, юз ниқоби, қўлқопларини олган ҳолда жиноий мақсадларини амалга ошириш ниятида Усмон Носир номидаги кўчадан ўтаётганларида Яккасарой тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади.

Жабрланувчи И. Котлик судда номаълум шахслар бир неча маротаба эшиғини тақиллатиб, ўзларини мудофаа бўлимиданмиз, деб таништириб, ўғлига чақирув қоғозини олиб келишганини айтишганида, зукколиги сабабли фарзанди бу хонадонда рўйхатда турмаслигини эслаб, шубҳали кишиларга эшикни очмасдан жавоб берганини, шунингдек, эрта тонгда бир неча маротаба уйдан кўчага чиқиши билан нотаниш шахсларга дуч келганини, улар уни кўриб юзларини яширишга уринишганини, кейинчалик уларнинг босқинчилик содир этмоқчи бўлиб юрганларини айтди.

Ушбу воқеа тафсилотини эшитиб, фуқаро Котликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига вақтида қўнғироқ қилмаганидан ранжисак, милиция ходимларининг ҳушёрлигидан қувондик. Негаки, уларнинг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайли катта жиноятнинг олди олинди.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик: нега бу ёшгина йигитларга ота-она, оила-аъзолари ва маҳалла аҳли беэътибор бўлишди? Уларнинг бемаҳалда санқиб юришларига парво қилишмади? Ахир, уларнинг жиноят йўлига кириб кетиши ўзларининг ёш умрларини қабоҳатга ботиришдан ташқари, қанча кишига моддий ва маънавий зарар етказиши мумкин-ку?!.

Дарвоқе, яна бир мулоҳаза: ҳаммамиз яшаш жойимизда бир-бирларимизга кўз-қулоқ бўлсак, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга зийраклик билан қараб, ҳушёрликни унутмасак, ҳар қандай номаъқулчилик ва турли жиноятларнинг олдини олган бўламиз. Айниқса, бу борада эндигина мустақил ҳаёт поғонасига қадам қўйган ёшларимизга янада эътиборлироқ назар солиш кераклигини унутмаслик лозим.

Бахтиёр ХЎЖАЕВ,
ҳуқуқшунос

Qonun va biz

Taqdir tarixi



James BUCHANAN

ИНСОН САДОҚАТИ

Америка президентлари тарихида бир умр тоқ ўтган, фуқаролар уруши бошланиши арафасида халқни келажак сари бир тан, бир жон бўлиб курашишга даъват этган ҳамда қулликни барҳам топишига катта ҳисса қўшган шахслардан бири Жеймс Бюкенендир.

Асли келиб чиқиши Ирландияга бориб тақаладиган Жеймс ва Элизабет Спирларнинг иккинчи фарзанди кичик Жеймс Бюкенен 1791 йилнинг 23 апрелида тадбиркор оиласида дунёга келади. Эътиборли томони шуки, Бюкененлар Америкада кам учрайдиган катта серфарзанд оилалардан бири бўлиб, уларнинг 11 нафар болалари бор эди. Кичик Жеймс ёшлик чоғидан отаси билан савдо-сотиқ ишларида қатнашиб, тадбиркорлик борасида анча амалий маҳоратга эга бўлади ва 11 ёшида у Дикинсон коллежига қабул қилинади. Аммо тижорат ишлари билан банд бўлиб, дарсларни кўп қолдирганлиги боис талабалар сафидан чиқарилади. Шундай кейин у ҳуқуқ йўналиши бўйича Ланчестер номли коллежга ўқишга киради. Ўқишни битиргач, Бюкенен бир неча йил юридик ташкилотларда ишлайди. Жеймснинг сиёсатга кириб келиши ўша пайтда ижро ҳокимиятида юқори мавқега эга бўлган федералчилар партиясига аъзо бўлиши билан боғлик.

1816 йилда Жеймс сиёсатдан узоқлашиб, Пенсилваниядаги ўзининг хусусий адвокатурасида хизмат қилади. Шу кезларда у дазмол ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарининг Анн Колмен исмли қизи билан танишиб, уни қаттиқ яхши кўриб қолади. Улар қисқа вақт ичида бир-бирларига шу қадар қаттиқ боғланиб қолишадики, ҳатто бир дам ҳам бир-бирларини кўрмасдан туришолмайди. Бироқ ораларидан қил ҳам ўтмайдиган бу икки ёшнинг ўртасига кунлардан бир кун қандайдир бир арзимаган сабаб билан «ламушук» ўтади. Натижада уларнинг муносабатлари шу қадар ёмонлашадики, бунга чидай олмаган Анн охир-оқибатда ўз жонига қасд қилади.

Кутилмаган бу бахтсиз воқеада ўзини айбдор ҳис этган Бюкенен ўзини-ўзи виждонан суд қилиб, ўзига шафқатсиз жазо тайинлайди. Бу жазо севгилисининг ўлимига сабабчи бўлгани учун бутун умр ёлғизликда ўтиш жазоси эди. Шундан кейин у ўз муҳаббати ҳамда виждонига содиқ қолиб, умрининг охиригача ана шу жазони ҳалол ижро этади.

Севган кишисининг кутилмаган ўлимидан сўнг Жеймс анча вақтгача ўзига келолмай, виждон азобида қийналиб юрди. У ўзига-ўзи берган сўзининг устидан чиқиб, уйланмасдан, оила қурмасдан ёлғиз ўтади ва шу боис фарзанд кўриш бахтидан ҳам маҳрум бўлди. У ўз хотираларида **«Инсон ҳеч қачон, ҳеч нарсага жуда қаттиқ меҳр қўймасин экан. Қайлиғимнинг бевақт ўлими бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади»,** — дейди. Бу Жеймс Бюкенен ҳаётидаги энг оғир ва ғамли дамлар эди.

Кун бўйи бир уйга қамалиб, ёлғизликда ўтириш жонига теккан Жеймс, қандай бўлмасин ўзини чалғитиш, нимадир қилиш ва қандайдир юмуш билан шуғулланиш мақсадида, қолаверса, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида курашиб яшаш кераклигини чуқур англаб, Конгресснинг вакиллар палатасига ўз номзодини кўяди ва унда муваффақият қозонади. Конгрессмен Жеймс бу ердаги 10 йиллик фаолияти давомида ҳам оддий инсон, ҳам қонунпарвар сифатида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Шу билан бирга 1824 йилги президентлик сайловида Эндрю Жексоннинг ғалаба қозонишида ҳам муносиб ҳисса қўшади. Бунинг эвазига президент Жексон уни Россияга элчи этиб тайинлайди. Америка Қўшма Штатлари ва Россия ўртасида илк дўстона муносабатларнинг ўрнатилиши ҳам айнан Жеймс Бюкененнинг номи ва элчилик фаолияти билан боғлик экани диққатга сазовордир. 1833 йилнинг ноябр ойида она-юртига очиқ юз билан қайтган Бюкенен Пенсильвания сенатори этиб сайланади. Сенатда ишлаган вақтда қулликни бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади. Чунки бу даврда АҚШдаги қонунлар қуллик тузумни қисман бўлса-да, ҳимоя қиларди.

1852 йилда бўладиган президентлик сайлови олдидан Жеймс истеъфога чиқиб, сайловга пухтароқ тайёргарлик кўриш мақсадида ўз атрофига тарафдорларини йиғади. Лекин унда демократ Франклин Пирестнинг қўли баланд келади.

Гарчи Жеймс Франклиннинг сиёсий рақиби бўлган бўлса-да, президент унга катта ишонч билдириб, уни АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси этиб тайинлаб, унинг зиммасига жуда масъулиятли вазифани, яъни инглиз ҳукмрон доиралари билан тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришишни бош вазифа қилиб юклайди. Ўзининг икки йиллик хизмат сафари давомида Жеймс Бюкенен англияликлар билан тинимсиз музокаралар олиб бориб, "Клейтон Булвар" деб аталадиган икки томонлама шартнома тузишга эришади. Ушбу шартномага асосан бундан буён тарафлар бир-бирининг ҳудудига таҳдид солиши ёки ҳужум қилиши қатъий тақиқланган эди. Бу ўша даврда АҚШ сиёсий доиралари учун қўлга киритилган жуда катта ютуқ ҳисобланарди.

Навбатдаги президентлик сайлови олдидан яна бир бор омадини синаб кўриш ниятида Жеймс Англиядан қайтиб келади ҳамда демократик партиядан президентликка номзод этиб кўрсатилади. Республикачилардан эса калифорниялик Жон Фремонт ва Уильям Дейтоннинг номзоди тавсия этилади. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида Жеймс ўз дастури орқали мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, тадбиркорларни иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга ваъда беради. Сайловчилар билан учрашувларнинг бирида Ж.Бюкенен «Келинг, эркин ҳаёт, эркин фикр ва тинчлик учун барчамиз биргаликда курашайлик», деган мурожаат билан чиқади. Сайлов натижасига кўра, демократ Жеймс Бюкенен халқ ишончини қозониб, навбатдаги муддатга президент этиб сайланади ва «Оқ уй»га кўчиб ўтади. У ерда унинг рўзғор ишларига жияни Гаррил қарашиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бюкенен президент сифатида фаолият олиб борган даврда мамлакат ҳаётининг энг оғир дамларига тўғри келади. Хусусан, қуллик ва тенгсизликнинг кучайиши оқибатида шимол ва жануб ўртасида қон тўкилиш хавфининг кундан-кунга авж олиши мамлакатда фуқаролар уруши келиб чиқишини билдирар ва президент Жеймс эса бундан жуда-жуда ташвишланар эди.

Ўша даврда мамлакатда қулликни сақлаб қолиш тарафдорлари ўзларининг ниятларига мослаб «Лекомптан» конституциясини ишлаб чиқиб, уни Конгрессга тақдим этишади. Табиийки, Конгресс буни тасдиқламайди.

Хуллас, президент Жеймс Бюкененнинг тўрт йиллик фаолияти, мамлакатда келиб чиқиш хавфи тобора ортиб бораётган фуқаролар урушининг олдини олиш ва тарафларни муроса-ю мадорага келтириш билан ўтиб кетди десак, хато бўлмайди. Аммо шунга қарамасдан, айрим тарихшунослар «Жеймс Америка тарихидаги энг заиф, бўш президентлардан бири бўлган. Сабаби — у қуллик тузумни ўз вақтида қатъият билан енга олмади» деган фикрни билдиришган. Бундай вазиятда иккинчи муддатга номзодини қўйишни хоҳламаган Жеймс Бюкенен президентлик ваколати тугагач, «Оқ уй»ни тарк этади ва орадан кўп вақт ўтмай, яъни 1868 йилнинг 1 июнида касаллик туфайли вафот этади. Ўлими олдидан Жеймснинг сўнгги сўзи шундай бўлган: «Ҳеч бир президент менчалик умр бўйи армонда ўтмаган бўлса керак. Энг ачинарлиси, эртага ишимни давом эттирадиган, обрўйимга обрў қўшадиган фарзандимнинг йўқлигидир. Ҳеч кимни тақдир ана шу олий бахтдан маҳрум қилмасин экан, алвидо!».

Ҳусан ТУРСУНОВ

Mitti maslahat

"БОЛАМНИ ПАРВАРИШЛАШ БЎЙИЧА ТАЪТИЛ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН..."

Мамлакатимиздаги корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларимизга қулайлик яратиш мақсадида улар бола парвариши билан таътилга чиқаётганида қуйидаги шаклда ариза намуналарини тўлғазиш тавсия этилади.

Намуна: Болани парваришлаш бўйича нафақа тўланадиган таътил беришни сўраганда.

"Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Ф.Низомовга
Жондор тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Қаршиева Лоладан

АРИЗА

Мен фарзандли бўлганим ва 2003 йилнинг 15 сентябридан бошлаб туғиш таътилим туғагани сабабли 2 йил муддатга — 2003 йилнинг 15 сентябридан 2005 йилнинг 20 июлигача боламни парваришлаш бўйича нафақа тўланадиган таътил беришингизни сўрайман.

Имзо Л.Қаршиева. 2003 йил 15 сентябр"

Агар бола 2 ёшга тўлгач, яна 1 йил пулсиз меҳнат таътили олиш зарурияти туғилиб қолса, унинг учун қуйидаги намунада ариза тўлғазиш мумкин.

Намуна: Иш ҳақи сақланмаган ҳолда болани парваришлаш бўйича таътил беришни сўраганда

Қоракўл тумани ижтимоий-таъминот бўлими мудири О.Тангриевга ижтимоий-таъминот бўлими фарроши Ҳамдамова Ирода томонидан

АРИЗА

2003 йилнинг 20 сентябр кунидан менга берилган боламни парваришлаш бўйича нафақа тўланадиган икки йиллик таътил муддати туғаши муносабати билан яна бир йил муддатга, 2003 йилнинг 21 сентябридан 2004 йилнинг 20 сентябригача фарзандим 3 ёшга етгунга қадар ўз ҳисобимдан иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил беришингизни сўрайман.

Имзо И.Ҳамдамова. 2003 йил 20 сентябр

Аёл ходимга хоҳишига кўра боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилиши Меҳнат Кодексининг 234-моддаси 2-қисмида қатъий белгиланган. Ушбу қонун мазмунига биноан бундай қўшимча таътил муддатини аёл мустақил белгилайди ва қонунда белгиланган 1 йиллик қўшимча таътил муддатидан камроқ муддатга ҳам таътил беришни сўраши ва истаган вақтда ишга чиқиш ҳуқуқига эга.

Аёл болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаши мумкин.

Jurnalist surishtiruvi

БЕПИСАНДЛИК

У қачон тугайди?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

"...Тўраев Ражабнинг табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига нисбатан "ишга тиклаш, ойлик иш ҳақларини, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2002 йил 8 июл кунидаги 18-34-сонли ҳамда 2002 йил 9 июл кунидаги 18/34-1-сонли буйруқлари бекор қилинсин. Тўраев Ражаб Бойсун туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасига қайта тиклансин. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси зараридан даъвогар фойдасига 6595 сўм ойлик иш ҳақининг фарқи ҳамда 20.000 сўмлик моддий зарар ундирилсин. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Р.Сафарова зараридан Тўраев Р.нинг фойдасига 20.000 сўм маънавий зарар қоплансин..."

Адолат қарор топгандай эди. Кўпчилик энди хамкасблар ўртасидаги лойқа сувлар тиниб, ўзаро низоларга чек қўйилади, деб ўйлашганди. Афсуски, амалда бундай бўлмади. Қўмита раиси Р.Сафарова суднинг қароридан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг аппеляция инстанциясига мурожаат қилди. Шу йилнинг 22 июл кунида фуқаролик ишлари бўйича вилоят аппеляция инстанция суди 108-АФ сонли ажрим чиқарди. Унда шундай дейилган: ***"... Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2002 йил 25 декабр кунидаги даъвогар —Тўраев Ражабнинг жавобгари — Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига нисбатан ишга тиклаш, ойлик иш ҳақларини ундириш, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз кучида ва шаҳар прокурорининг аппеляция протести қаноатлантирилмасдан қолдирилсин"***.

Хуллас, суд Р.Тўраевни яна вазифасига тиклади. Аммо суднинг ушбу ҳал қилув қароридан сўнг ҳам қўмита раиси билан туман инспекциясининг раҳбари ўртасидаги низоларга якун ясалгани йўқ. Чунки суд қарори ҳанузгача ижро этилмаяпди. Боя таъкидланганидек, қўмита раиси Р.Сафарова "Бу ижрочининг вазифаси, мухбирнинг иши эмас" деб жавоб бермоқда.

Биз бу ҳолни изоҳлашдан тийилиб, бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим тогдик: қайси бир раҳбар ўз амалидан фойдаланиб, қонунларни писанд қилмас экан, ўша жойда адолатни тиклаш, ходимлар ўртасида обрў топиш, уларни янги ташаббусларга бошлаши қийин...

Шундай экан, баён этилган воқеани мутасаддилар ўйлаб кўрсалар, ажаб эмас.

Собиқ ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Jinoyat va jazo

СОЛИҚЧИНИ ТИШЛАГАН ХОТИН

Даромадини солиқдан яширган кимсанинг топиш-тутишида барака бўлмайди. Ҳокимият вакили бўлмиш солиқ хизмати ходимларининг қонуний хатти-ҳаракатларига қаршилик қилиш эса бориб турган жиноят ҳисобланади. Қарши шаҳридаги "Тижорат" бозорида рўй берган мана бу нохуш воқеа эса аҳолига савдо хизмати кўрсатаёган кўпгина якка тартибдаги тадбиркорлар учун яхшигина сабоқ бўлиши керак.

Қарши шаҳар ДСИ бошлиғининг тегишли буйруғига асосан шаҳар ҳудудидаги кўча ва бозорларда ноқонуний равишда даромад топаётган жисмоний шахсларни аниқлаш, якка тартибдаги тадбиркорларга тегишли бўлган савдо ва маиший хизмат шаҳобчаларида Вазирлар Маҳкамасининг 154, 257, 208 ва бошқа қарорларининг бажарилиши юзасидан вилоят ДСБ бош инспектори А.Шерназаров ва бошқа ходимлар шаҳардаги "Тижорат" бозорида текшириш ўтказаётганда бозорнинг кириш эшиги ўнг томонида биринчи қатор расталарида савдо қилаётган Қиёмова Асолатнинг (исм-шарифини ўзгартирдик) савдо қилиш учун шаҳар ҳокимиятидан рўйхатдан ўтмагани, ДСИдан якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли гувоҳнома олмагани ва сотаётган кийим-кечакларининг ҳам ҳужжати йўқлиги аён бўлиб қолди. Шунда А. Қиёмова зиммасидаги айбни хаспўшлаш ёки маъмурий жавобгарликдан қутулиб қолишнинг антиқа усулини танлади. Аввалига шовқин-сўрон кўтариб, солиқ хизмати ходимларини оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишни бошлади. Ўша куни А.Шерназаров ва бошқалар хизмат вазифасини бажара олишмади. Орадан бир кун ўтиб, солиқчилар яна бозорга боришди. Бу ишни шундоқ жойида ташлаб кетишнинг сира иложи йўқ эди. Бу сафар А.Шерназаров бошлиқ солиқчилар Асолат опанинг синглиси Ойнисага рўбарў бўлишди. Қарангки, Ойниса ҳам худди опаси каби ҳеч қандай рухсатсиз ва ҳужжатсиз савдо фаолияти кўрсатаётган экан. Шунда солиқчилар унинг товарларини олиб қўйишга жазм қилишди. Худди шу жойда яна Асолат опа енг шимариб майдонга тушди. Товар солинган сумкаларни ушлаб турган А.Шерназаровнинг аввал қўлига тармашди, кейин эса билагидан ғирчиллатиб тишлаб олди. Бу ҳолатни видеотасвирга олаётган вилоят Давлат солиқ бошқармаси видеотасвирчиси Х.Жабборовнинг қўлидаги видеонинг батарейка симларини узиб ташлаб, А.Шерназаровнинг бошига таҳта стулча билан икки марта уриб, ҳушидан кетказиб қўйди. Шундай қилиб, суднинг қора курсисига келиб ўтирган А.Қиёмова вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими А.Шерназаровга қаршилик кўрсатиб, уни тишлаб, уриб, соғлигининг қисқа вақт бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказиб, уни хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур этгани учун тегишли жазога ҳукм қилинди.

Қонунга амал қилмаган сохта тадбиркор энди қилмишига пушаймон бўлиши шубҳасиз. Бу ҳол бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Рустам ҚЎШОҚОВ,
ҳуқуқшунос

Afsus

ҚУРИГАН ДАРАХТ

Бу дунёда турфа хил жиноятлар мавжуд. Одатда, бундай жиноятларнинг аксарияти якка шахслар томонидан содир этилса-да, гоҳо-гоҳо айбланувчилар орасида бир-бирларига яқин биродар, ошна-оғайни бўлган жиноятчилар гуруҳлари ҳам учраб туради. Зотан, биз тилга олаётган ушбу жиноят ўз иштирокчиларининг оилавий бирлиги билан бошқа жиноятлардан бироз фарқ этса, ажаб эмас.

Аслида, воқеанинг бошланиши ҳам қизиқ бўлган. Нима кўп, қишлоқда ёш-яланг кўп. Уларни кўз олдига келтираркан, Шодликнинг хаёлида бир фикр шуъларанди: шуларнинг бешта-ўнтасини йиғиб, Москва шаҳрига олиб кетса-чи?..

Эрталаб нонушта чоғида дадаси ва ойиси билан мазкур фикр юзасидан ўртоқлашди. Таклиф ҳар иккаласига ҳам маъқул тушди. Ойиси Шодликка йўл харжи учун пул йиғишда кўмаклашадиган, дадаси йиғилган пулларни барвақтроқ олиб кетиб, Москвада "янги меҳмонлар" учун жой ҳозирлаб турадиган бўлди.

Фаришталар «омин» дебдими, иш юришгандан юришиб кетди. Онаси Бибирўқия аёлман деб ўтирмай, ўғли Шодлик билан қайда ёш-яланг бўлса, бирма-бир барчасининг хонадонларига кириб чиқди. Алдади, авради. Шу йўл билан лақма ҳамқишлоқлари Умар Дурдимуродов ҳисобидан уч нафар ўғлини ишга жўнатиш учун 450 минг сўм, Гелдиқилич Полвонов ҳисобидан икки нафар ўғлини ишга жўнатиш учун 300 минг сўм, Дассегул Муҳамедова ҳисобидан икки нафар ўғлини ишга жўнатиш учун 280 минг сўм, Абдукарим Ниёзқиличев, Омонбека Хўжаева, Собир Юсупов, Сардор Байрамматов, Сафармурод Нуржонов, Жумагул Аваздурдиевалар сингари 21 нафар фуқаролар ҳисобидан ўғли ёки ўзи учун 150 минг сўмдан жами 3 миллион 568 минг сўм пул фирибгарлар ҳамёнига тушди.

Эндиги масала мана шу фуқароларни Москва шаҳрига ишга жўнатишда қолди. Бу жараён ўйлаганчалик осон кечмади. Дастлаб дадаси Дадабой Жумақиличев йиғилган пулларни чўнтагига жойлаб, Москва шаҳри томон отланди. Бироқ навбат йигитлар ва Шодликка келганида, иш бирданига чаппасига кетди. Ана кетамиз, мана кетамиз, деб турганларида, чинданми, бошқами, ишқилиб, Москвага одам олиб бориш билан шуғулланиб юрган Марат исмли йигит ҳамда Шодлик ўртасида жанжал чиқиб қолди. Жанжал анча кескин тус олиб, "Москва операцияси" барбод бўлди.

Пул аччиғи - жон аччиғи, деган гап бор. Нима бало, Шодлик йигитлар билан ўйнашяптими? Мана шундай хаёлга борган ҳамқишлоқлар дабдурустдан Дадабой ака хонадонига бостириб кела бошлашди. Шодликдан бирор-бир тайинли гап ололмаган аламдийда овулдошлар оҳир-оқибат ҳуқуқий идораларга мурожаат этишга мажбур бўлишди. Фириб йўлини танлаган тўрткўллик Шодлик Жумақиличев тумшуғидан илинди. Фирибгар Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми "А" банди билан айбдор деб топилиб, маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди. Фуқаролар ҳисобидан тўпланган пул суд ҳукми билан эгаларига қайтариладиган бўлди. Жиноят ишининг Дадабой Жумақиличев ва Бибирўқия Жумақиличеваларга тегишли қисми алоҳида иш юритиш учун ажратиб олинди ҳамда уларга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Жиноятчилар гуруҳи алдов, порахўрлик, лақиллатиш йўли билан бойлик орттиришмоқчи эди. Аммо фириб соддадил, пақдомон инсонларга эмас, алдамчиларнинг ўзига панд берди.

Воқеа тафсилоти билан танишган газетхон қалбида шундай савол туғилиши аниқ: ота-она ва турмушнинг озми-кўпми аччиқ-чучуғини татиган фарзандни ҳамқорлик йўли билан жиноят содир этишга етаклаган сабаб нима? Гапнинг нафсиламбирини айтганда, бутун бир оила аъзоларини тубанлик ботқоғига тортган нарса маънавий қашшоқлик эмасмикан? Чунки халқимиз оилани муқаддас даргоҳ деб билади. Оила ҳам бир дарахт каби илдиз отиб, қалин новдаларда мева тугади. Борди-ю, илдизга қурт тушса, бу дарахт қурийди. Шунга монанд бир оила мисолидаги мазкур воқеа қуриган дарахтни эслатади. Қуриган дарахтни эса... суғуриб ташлайдилар. Бундай кўнгилсиз ҳолатдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-719. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50